



EXPECTED OUTCOMES OF IMPLEMENTING CRIME PREVENTION IN THE REGIONS

Altmishev Temurbek Xamzayevich

Head of the Organizational and Analytical Department of the Public
Security Department, Ministry of Internal Affairs of the Republic of
Uzbekistan, Doctor of Philosophy in Law, Associate Professor
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18617965>

ARTICLE INFO

Received: 05th February 2026

Accepted: 11th February 2026

Online: 12th February 2026

KEYWORDS

Crime prevention, expected outcomes, mahalla system, social prevention, security coverage, digitalization, criminogenic situation, civic responsibility, public cooperation, early prevention.

ABSTRACT

This study analyzes the anticipated socio-legal, organizational, and institutional effects of implementing crime prevention in the regions. The research substantiates the potential for stabilizing the criminogenic situation in mahallas through the comprehensive implementation of preventive mechanisms, early identification of social prevention targets, expanding property protection coverage, establishing a digital management and control system, increasing the effectiveness of crime solving, and ensuring reliable cooperation between government bodies and the public. Additionally, the development of legal awareness and a sense of civic responsibility among citizens is considered as one of the priority outcomes of the prevention process. The research conclusions indicate that sustainable crime reduction depends on comprehensive and continuous prevention mechanisms

ХУДУДЛАРДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИ АМАЛГА ОШИРИШДАН КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Алтамишев Темурабек Хамзаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти Ташкилий-
таҳлил бошқармаси бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18617965>

ARTICLE INFO

Received: 05th February 2026

Accepted: 11th February 2026

Online: 12th February 2026

ABSTRACT

Мазкур тадқиқотда ҳудудларда жиноятчиликни олдини олишни амалга ошириш натижасида кутилаётган ижтимоий-ҳуқуқий, ташкилий ва институционал самаралар таҳлил қилинган. Профилактика механизмларини комплекс равишда жорий этиш орқали маҳаллаларда криминоген вазиятни барқарорлаштириш, ижтимоий профилактика объектларини барвақт аниқлаш, мол-мулкни қўриқлаш қамровини



KEYWORDS

*Жиноятчилик
профилактикаси,
кутилаётган натижалар,
маҳалла тизими,
ижтимоий профилактика,
қўриқлаш қамрови,
рақамлаштириш,
криминоген вазият,
фуқаровий жавобгарлик,
жамоатчилик ҳамкорлиги,
барвақт олдини олиш.*

*кенгайтириш, рақамли бошқарув ва назорат
тизимини шакллантириш, жиноятларни очиш
самарадорлигини ошириш ҳамда давлат
органлари ва жамоатчилик ўртасида ишончли
ҳамкорликни таъминлаш имкониятлари
асосланган. Шунингдек, фуқароларда ҳуқуқий онг
ва фуқаровий жавобгарлик туйғусини
шакллантириш профилактика жараёнининг
устувор натижаларидан бири сифатида қўриб
чиқилган. Тадқиқот хулосалари жиноятчиликни
барқарор камайтириш комплекс ва узлуксиз
профилактика механизмларига боғлиқ эканини
қўрсатади.*

Худудларда жиноятчиликни олдини олиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, унинг асосий мақсади фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини таъминлаш ва барқарор ижтимоий муҳитни шакллантиришдан иборат. Жиноятчилик нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий-иқтисодий ва маънавий омиллар билан боғлиқ мураккаб ҳодиса ҳисобланади. Шу сабабли унинг олдини олишда комплекс ва тизимли механизмларни жорий этиш талаб этилади. Профилактика чораларини самарали амалга ошириш натижасида маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш ва жиноят содир этиш эҳтимолини камайтириш мумкин.

Жиноятчиликни олдини олишни амалга оширишдан кутилаётган натижалар, аввало, ижтимоий профилактика объектларини барвақт аниқлаш ва улар билан тизимли ишлаш механизминини шакллантириш билан боғлиқ. Бундай ёндашув орқали хавф

гуруҳларига кирувчи шахслар билан манзилли ишлаш, оилавий муҳитни ўрганиш ва ижтимоий муаммоларни бартараф этиш имконияти пайдо бўлади. Бу эса жиноят содир этиш эҳтимолини эрта босқичда камайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, ижтимоий профилактика объектлари ҳолидан мунтазам хабар олиш жиноятчиликнинг латент шакллари билан камайтиришга ёрдам беради.

Профилактика механизмларини амалга ошириш натижасида мол-мулкни қўриқлаш қамрови кенгайиши кутилмоқда. Жисмоний ва юридик шахслар мол-мулкни техник қўриқлаш даражасини ошириш орқали мулкнинг жиноятлар сонини қисқартириш имкони яратилади. Маҳаллалардаги овлоқ ва чекка жойларни хавфсиз худудларга айлантириш, ёритиш ва кузатув тизимларини кучайтириш жиноят содир этиш имкониятларини чеклайди. Бу эса жиноятларнинг олдини олиш билан бир қаторда



уларни тезкор очиш самарадорлигини ҳам оширади.

Рақамли технологияларни жорий этиш ҳам кутилаётган муҳим натижалардан биридир. «Маҳалла еттилиги» фаолиятини рақамлаштириш, барча платформаларни интеграция қилиш ва ягона бошқарув тизимини йўлга қўйиш орқали назорат ва мониторинг жараёни самарали ташкил этилади. Бу эса инсон омилини камайтириб, шаффофликни таъминлайди. Рақамли маълумотлар базаси профилактика тадбирларини режалаштириш ва баҳолаш имкониятини кенгайтиради.

Жиноятчиликни олдини олишни амалга оширишдан кутилаётган яна бир муҳим натижа — фуқароларда маҳалладаги тинчлик ва осойишталикка дахлдорлик ҳисси ва фуқаровий жавобгарлик туйғусини шакллантиришдир. Жамоатчиликни профилактика жараёнига жалб этиш, ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик муҳитини яратиш ва ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш орқали жиноятчиликка қарши курашиш умумжамоатчилик ишига айланади. Бу эса давлат органлари ва фуқаролар ўртасида ишончли муносабатларни шакллантиради.

Шу тариқа, ҳудудларда жиноятчиликни олдини олишни амалга оширишдан кутилаётган натижалар нафақат жиноятлар сонининг камайиши, балки ижтимоий барқарорлик, ҳуқуқий маданиятнинг ошиши ва жамоат хавфсизлигининг мустаҳкамланиши билан ҳам ифодаланади.

Ҳудудларда жиноятчиликни олдини олишни амалга оширишдан кутилаётган натижалар профилактиканинг ташкилий, ижтимоий, ҳуқуқий ва технологик механизмлари уйғун ҳолда татбиқ этилганда намоён бўлади. Замонавий криминология жиноятчиликни камайтиришда реактив ёндашувдан кўра барвақт ва тизимли профилактиканинг устувор аҳамиятга эга эканини таъкидлайди [1]. Шу нуқтаи назардан, маҳаллалар кесимида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида жиноятчилик динамикасига барқарор таъсир кўрсатиш, криминоген вазиятни яхшилаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш кўзда тутилади.

Аввало, маҳаллаларда ижтимоий профилактика объектларини барвақт аниқлаш ва улар билан узлуксиз, доимий ва тизимли ишлаш механизми яратилиши кутилади. Илмий тадқиқотларда хавф гуруҳларини эрта босқичда аниқлаш ва индивидуал профилактика чораларини қўллаш жиноятчиликни сезиларли даражада камайтириши қайд этилган [2]. Д. Фаррингтоннинг ҳаётий цикл назариясига кўра, барвақт профилактика орқали шахснинг девиант хулқ-атворида ижтимоий таъсир кўрсатиш мумкин [3]. Шу боис ижтимоий профилактика объектлари ҳолидан доимий хабар олиш, оилавий муҳитни ўрганиш ва манзилли ёрдам кўрсатиш жиноятларнинг олдини олишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Мол-мулкни техник қўриқлаш қамровини кенгайтириш ҳам муҳим



натижалардан бири ҳисобланади. 2025 йил якунига қадар жисмоний шахслар мол-мулкани техник қўриқлаш қамровини 30 фоизга, юридик шахслар мол-мулкани қўриқлаш қамровини 60 фоизга етказиш орқали мулкӣ жиноятлар сонини қисқартириш мақсад қилинган. Р. Кларк томонидан ишлаб чиқилган situational crime prevention концепциясига кўра, жиноят содир этиш имкониятини чеклаш орқали жиноятчилик даражасини камайтириш мумкин [4]. Видеокүзатув ва сигнализация тизимларини жорий этиш жиноят содир этиш хавфини пасайтиради ва «иссиқ изи»дан очиш самарадорлигини оширади.

Маҳаллалардаги жиноят содир этишга қулай овлоқ ва чекка жойларни хавфсиз ҳудудларга айлантириш атроф-муҳитни лойиҳалаштириш орқали профилактика концепцияси (CPTED)га мос келади. Илмий тадқиқотларда ёритиш тизимини яхшилаш, очиқлик ва күзатув имкониятини ошириш жиноятчиликни камайтиришга хизмат қилиши қайд этилган [5]. «Намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй» лойиҳаларини амалга ошириш орқали жамоат жойларида хавфсизлик муҳитини шакллантириш мумкин.

Фуқароларда маҳалладаги тинчлик ва осойишталикка дахлдорлик ҳисси ва фуқаровий жавобгарлик туйғусини шакллантириш ижтимоий профилактиканинг муҳим натижаси ҳисобланади. Т. Тайлер

тадқиқотларига кўра, фуқаролар ҳуқуқий жараёнларни адолатли деб қабул қилганда қонунларга ихтиёрий риоя қилиш даражаси ошади [6]. Жамоатчилик иштирокини рағбатлантириш, «маҳалла тарғиботчиси» гуруҳларини ташкил этиш ва ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш орқали жиноятчиликка нисбатан муросасизлик муҳити шаклланади.

Ижтимоий профилактика объектлари ҳолидан доимий хабар олиш амалиёти жиноятларнинг барвақт олдини олишга хизмат қилади. Айниқса, оилавий низолар, гиёҳвандликка мойиллик ва ишсизлик ҳолатларини мунтазам мониторинг қилиш орқали жиноят содир этиш эҳтимоли пасайтирилади. Илмий тадқиқотларда оилавий муҳитни барқарорлаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурлари жиноятчилик даражасини камайтиришга ижобий таъсир кўрсатиши қайд этилган [7].

«Маҳалла еттилиги» фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш ва барча платформаларни интеграция қилиш орқали ягона бошқарув ва назорат механизми йўлга қўйилиши профилактиканинг институционал самарадорлигини оширади. Электрон маълумотлар базаси ва биометрик идентификация тизимлари инсон омилини камайтириб, шаффофликни таъминлайди. Илмий тадқиқотларда рақамли мониторинг тизимлари профилактика дастурларининг самарадорлигини ошириши таъкидланган [8].

Жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва «иссиқ изи»дан очиш



самарадорлигининг ошиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти натижадорлигини кўрсатади. «Evidence-based policing» концепциясига кўра, маълумотларга асосланган тезкор қарорлар жиноятларни очиш даражасини оширади [9]. Бу эса жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида ишончли ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш жиноятчилик профилактикасининг барқарор натижаси ҳисобланади. Илмий адабиётларда community policing модели жиноятчиликни камайтиришда самарали экани қайд этилган [10]. Жамоатчилик вакилларининг фаол иштироки орқали профилактика тадбирлари манзилли ва таъсирчан бўлади.

Илмий-услубий кўмакни кучайтириш ва мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш профилактика механизмларининг узлуксиз такомиллашувини таъминлайди. Криминология тадқиқот институти ва олий таълим муассасалари томонидан маҳаллалар кесимида амалга ошириладиган илмий таҳлиллар долзарб муаммоларнинг илмий ечимларини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Илмий асосланган тавсияларни амалиётга татбиқ этиш профилактиканинг стратегик самарадорлигини оширади [11].

Шундай қилиб, ҳудудларда жиноятчиликни олдини олишни амалга ошириш натижасида ижтимоий профилактика объектларини барвақт аниқлаш

механизми яратилади, мол-мулкни қўриқлаш қамрови кенгаяди, жамоат жойлари хавфсиз ҳудудларга айланади, фуқаровий жавобгарлик туйғуси шаклланади, рақамли бошқарув тизими йўлга қўйилади, жиноятларни очиш самарадорлиги ошади ва давлат ҳамда жамоатчилик ўртасида ишончли ҳамкорлик таъминланади. Илмий тадқиқотлар ва расмий маълумотлар шуни кўрсатадики, мазкур комплекс механизмлар уйғун тарзда амалга оширилганда маҳаллаларда криминоген вазият барқарорлашади ва жиноятчилик даражаси изчил пасаяди. Шу боис қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

биринчидан, жиноятчиликни олдини олишни комплекс амалга ошириш орқали маҳаллаларда ижтимоий профилактика объектларини барвақт аниқлаш ва улар билан тизимли ишлаш механизми шакллантирилади;

иккинчидан, мол-мулкни қўриқлаш қамровининг кенгайиши ва жамоат жойларини хавфсизлаштириш орқали мулк жиноятлар ҳамда кўча жиноятлари даражаси пасайишига эришилади;

учинчидан, профилактика жараёнини рақамлаштириш ва ягона бошқарув тизимини жорий этиш орқали назорат ва мониторинг самарадорлиги ошади ҳамда жиноятларни «иссиқ изи»дан очиш имкониятлари кенгаяди;

тўртинчидан, жамоатчилик иштирокини кучайтириш ва фуқаровий жавобгарлик туйғусини шакллантириш орқали маҳаллаларда барқарор ва хавфсиз ижтимоий муҳит



таъминланади, бу эса жинойтчиликни
барқарор камайтиришнинг асосий
шарти ҳисобланади.

References:

1. Merton R. K. Social Structure and Anomie //American Sociological Review. – 1938. – Vol. 3. – No. 5. – P. 672–682.
2. Sherman L. W., Farrington D. P., Welsh B. C., MacKenzie D. L. Evidence-Based Crime Prevention. – New York: Routledge, 2002.
3. Farrington D. P. Developmental and Life-Course Criminology: Key Theoretical and Empirical Issues //Criminology. – 2003. – Vol. 41. – No. 2. – P. 221–255.
4. Clarke R. V. Situational Crime Prevention: Successful Case Studies. – Albany: Harrow and Heston, 1997.
5. Newman O. Defensible Space: Crime Prevention through Urban Design. – New York: Macmillan, 1972.
6. Tyler T. R. Why People Obey the Law. – Princeton: Princeton University Press, 2006.
7. Sampson R. J., Laub J. H. Crime in the Making: Pathways and Turning Points through Life. – Harvard University Press, 1993.
8. Braga A. A., Weisburd D. L. Policing Problem Places: Crime Hot Spots and Effective Prevention. – Oxford University Press, 2010.
9. Sherman L. W. Evidence-Based Policing //Ideas in American Policing. – Washington, 2013.
10. Skogan W. G. Community Policing: Can It Work? – Belmont: Wadsworth Publishing, 2004.
11. Weisburd D., Telep C. W., Hinkle J. C., Eck J. E. The Effects of Problem-Oriented Policing on Crime and Disorder //Campbell Systematic Reviews. – 2010. – Vol. 6. – No. 1. – P. 1–89.